

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Собир Рахимов ту...

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 3 май, сешанба № 70 (1911)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида

Иқтисодийнинг хусусий секторини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, табиий монополия кор...

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги хузуридаги Иқтисодий но...

қонун ҳужуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш; корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатчилик қобилиятини чуқур таҳлил этиш, монополиядан чиқариш соҳасида, жумладан йирик монополия корхоналарни кичиклаштириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириш, улар негизда ички ва ташқи бозорларда самарали рақобат қила оладиган хусусий мулкнинг қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш божқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилиши...

Истиқлол берган имкон

Унинг йиллик маблаг айланмаси 400 миллион сўмдан ошиб кетди. Аммо бу ҳали чегара эмас. Чун...

СПОРТ АНЖОМЛАРИ НАМАНГАНДА ТАЙЁРЛАНГАН

Атрофида юз бераётган ўзгаришлар, амалга ошаётган иқтисодий ислохотлар йигитни бефарқ қолдирмади. Ҳайрулло хусусий корхона очди. Тўғри, бу осон бўлмади. Биринчи навбатда маблаг керак эди. Орузумид билан олган энгил автомобилли сотди. Давлат томонидан ишбилармон ва тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланаётгани ҳам қўл келди, шу йўл билан кредит олди. Ҳамкасблари ва ошна-оғайнилари ҳам серҳаракат йигитни қўллаб-қувватлашди. Дастлаб халқ истеъмолига мўлжалланган моллар тайёрлаб кўришди. Лекин, иш унча юришмади. Уйлаб-уйлаб спорт анжомлари ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Чунки бу махсулотга эҳтиёж катта эди. Бугунги кунда «Машхим» фирмасига қарашли корхонада 23 турдаги спорт анжомлари тайёрланмоқда. Махсулотларнинг 13 таси фақат буюртма асосида ишлаб чиқарилади. Корхона кун сайин оёққа туриб бор...

2005 йил – Сихат-саломатлик йили

ЧЕГАРА БИЛМАС НАЖОТКОРЛАР

«Чегара билмас шифокорлар» халқаро инсонпарварлик ташкилоти Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда 1998 йилдан буюн сил касаллигига қарши кенг қўламли тадбирлар амалга оширяпти. Ташкилот «ДОТС-плюс» лойиҳаси бўйича Қўнғирот ва Мўйноқ туманларини ортиқча олган. Қарийб тўрт ярим гектарлик қуюқ дарахтзорлар билан ўралган шифонамизда бир йўла 75 нафар бемор даволаниши мумкин. Бир, икки кишилик хоналар замонавий қилиб жиҳозланган. Беморлар махсус кий...

ва, Зебо Бектурдиева, ҳамширалар Равадунга Утекова, Олима Тўлегеновалар чет эллик ҳамкасблари билан бамаслашга иш тушиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Хорижий мутахассислардан германялик Майк Рогогалли, Макус Фрийд, Роситина Ролоф, америкалик Майкл Финчер, голландиялик Рейнтз Патд, Канададан Катрин де Равинл, кениялик Джесси Вамблус, Джексон Моглан сингари врач ва ҳамширалар билан ҳамкорликда даволаш-профилактика ишлари олиб бориляпти. Шифохона ходимлари учун барча қўлайликлар яратилган. Иш жойига келиш ва кетиш учун махсус автобус ажратилган. Уларга бепул тушлик берилди. З.ТИГАЙ

Болаларни ёзги соғломлаштириш юксак масбулият

Фуркат туманининг Шўхай кишлоғида жойлашган «Ёшлик» болалар дам олиш масканда оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш масаласига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган вилоят касабаяушмалари ташкилотлари бирлашмаси ходимлари, халқ таълими божқармаси мутасаддилари, тегшири ташкилот ва корхона вакиллари оромгоҳларни ёзги дам олиш мавсумига тайёрлаш, маънавий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, ўқувчиларни соғломлаштиришда спортнинг ўрнини янада ошириш лозимлиги ҳақида фикр юритдилар.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Бу йил таътил давомида вилоят бўйича 20 минг нафар бола дам олиш режалаштирилган. 12 минг бола шаҳар ташқарида, қолганлари эса соғломлаштириш ва кўнгузги оромгоҳларда хордик чиқаради. Айни пайтда ўн тўққизта оромгоҳда тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Фаргона туманидаги Олтиарик нефтни қайта ишлаш заводига қарашли «Тонг» оромгоҳи таътил мавсумига тайёр ҳолда ўқувчиларни кутмоқда. Бу ерда болаларнинг дам олишлари учун барча шариоит қўлланган. Шунингдек, Фаргона шаҳридаги «Хумо», Қўқон шаҳридаги «Кинот», Данғара туманининг «Нилуфар» оромгоҳларида ҳам тайёргарлик ишлари низоҳига етмоқда. Вилоят касабаяушмалари ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудир В.Азизовнинг айтишича, 15 майгача барча оромгоҳлар болаларни қабул қилиш учун тайёр ҳолга келтирилади. (ЎЗА)

«Ишонч»га жавоб берадилар «ШОҲИ СЎЗНАДАГИ БЎЗ ЯМОҚ»

Газетамизнинг 2004 йил 19 март сониди юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилган. Унда Урганч шаҳридаги Абдулғозий Баходирхон номидаги майдон атрофидаги кўрimsиз ахвол хусусида фикр юритилган. Шундан сўнг орадан бир йилча вақт ўтишига қарамай, бу ерда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлиги бонс, шу йилнинг 15 март сониди «Майдон ўртасидаги бир туп дарахт» сарлавҳали иккинчи танқидий мақола эълон қилинди.

Тахририятга ушбу мақола юзасидан келган жавоб хатида шундай дейилади: «Мақола Урганч шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида атрофчиқа ўрганилди. 2005 йил шу ҳудудда кенг қўламли реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилиши муносабати билан ҳайқалини бошқа жойга кўчириш масаласи бўйича жамоатчилик ва маҳаллий олимларнинг фикрлари ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясининг 2005 йил 14 мартдаги қарорига асосан Абдулғозий Баходирхон ҳайқали унинг номи билан аталадиган марказий кўчага кўчирилди. Ҳозирги кунда Зарафшон кўчасида ва аввал ҳайқал ўрнатилган майдонда ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари олиб бориляпти.»

Б.КУРБАНОВ, Урганч шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

ДАЛИЛЛАР ТЎЛА ТАСДИҚЛАНДИ

Газетамизнинг шу йил 29 март сониди «Биргина масбулиятсизлик бахтсиз ҳодисага сабаб бўлди» сарлавҳали мақола эълон қилинган. Унда «Андижон - пахта» акциядорлик жамиятида ишловчиларга қўлай шарт-шароит яратилмаганлиги, меҳнат муҳофазаси талаб даражасида эмаслиги ва унинг оқибатлари танқид остига олинган. Ушбу мақола юзасидан тахририят «Упаҳтасаноат» хиссадорлик уюшмаси Андижон пахта қайта ишлаш ва пахта махсулотини сотиш хиссадорлик бирлашмасидан қуйидаги мазмунда жавоб хати олди. Жавобда хусусан шундай дейилади: Матбуотнинг танқидий чиқishi бирлашма етакчи мутахассислари, пахта тозалаш акциядорлик жамияти бўлиmlари, ишлаб чиқариш сменалари ва тайёрлов масканлари бошлиқлари иштирокида атрофчиқа муҳокама қилинди. Унда келтирилган далиллар тасдиқланди. Мажбур камчиликларни бартарф этиш, муаммоларни кечиктирмай ҳал этиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунинда белгиланган ишчилар ҳаётини муҳофаза қилишга оид вазифалар ижроси қатъий назоратта олинди.

Н. АШУРОВ, Бирлашма раисининг муовини

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманида «Аёзқалъа»-туризм» хусусий фирмаси ва «Тўртқўл-саёҳат» туристик тижорат маркази биргалиқда қурган «Аёзқалъа» туристик кўмпинг (базаси) фаолият кўрсатаётганига 6 йил тўлди. Бу ишнинг тепасида 1996 йилда Тўртқўл шаҳрида биринчи туристик фирма очган иш-



Уйламай босилган қадам кишига қанчалик жабру-жафолар келтиришини ҳаммамиз яхши биламиз. Ноқонуний буйруқнинг асорати бундан ҳам эмас. Наманган шаҳрилик Аҳмадхон Ҳошимов ана шундай таъйиққа учраб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

У «Наманганэкстракт» хиссадорлик жамияти қошидаги «Мовий ёғду» кичик корхонасига рақбарлик қиларди. 2004 йил 10 декабрда уни вазифасидан бўшатишди. А. Ҳошимов бу ҳақда Наманган вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касабаяушма Кенгашига мурожаат этиб, ишни холис кўриб чиқишни сўради. Мутахассислар унинг аризасини ўрганиш жараёнида Меҳнат қонунини талаблари бузилганлигини аниқлашди. Натижада гайриқонуний буйруқ бекор қилиниб, Аҳмадхонни ўз вазифасига тик-

билармон аёл Дилбар Каримбердиева турган эди. Ана шу инсон бошчилигида 1999 йилдан бошлаб Эллиққалъа туманидаги Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг тарихий археологик ёдгорликларга бой қалъалар мавжуд бўлган, сахро ва қум барханлари орасида жойлашган саёҳат базаси қурилди. Айни пайтда саккизта ўтов, ош-

«АёЗҚАЛЪА» КЭМПИНИГ хона, ҳаммом сайёҳлар хизматида. Утовлар миллий ва замонавий безалган бўлиб, уларда асосан чет эллик меҳмонлар кутиб олинади. Ҳозиргача бу саёҳат даргоҳига бир миллионга яқин

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

дорлик жамияти касабаяушма қўмитаси раиси М. Ортиқов ҳам буйруққа уйламай-нетмай имзо чекиб юборган. Мана шу совуққон-

НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ

фақат ташвиш келтиради лиги учун касабаяушма раисига «Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдаги ҳаракатсизлиги, ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги учун» интизомий жазо чораси қўлланилди.

хорижлик турист келиб кетди.

Суратларда: кэмпинг раҳбари Дилбар Каримбердиева (чапдан иккинчи) ишчилар Раёно Якубова, Зокир Нуритдинов ва Гулбаҳор Нуритдинова; «Аёзқалъа»га саёҳат Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар

Вилоят касабаяушмалари ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудир В.Азизовнинг айтишича, 15 майгача барча оромгоҳлар болаларни қабул қилиш учун тайёр ҳолга келтирилади. (ЎЗА)

панох истаб у корхона касабаяушма қўмитаси раиси Т. Артемовага бу ҳақда мурожаат этганда, етакчида катъийлик, талабчанлик етишмади. У Исмоилга судга мурожаат этишни маслаҳат бериш билангина чекланиб қолди. Ҳақиқий касабаяушма етакчиси бундай қонун бузилышлар билан ҳеч қачон мурося қила олмайган бўларди. Чунки уларнинг асосий вазифаси меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши лозим. У ўз аъзолари ишончини қозонишга мажбур. Агар биз юқорида номларини келтирган касабаяушма раислари шундай йўл тутишганда, қанча-қанча вақт, асаблар завол топмасди. Н. РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташkil этиш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига, ўз ваколати ва Қўмита тўғрисидаги тасдиқланган Низом доирасида, улар чиқарган қарорларни бекор қилиш ёки монополияга қарши ишларни тартибга солиш, банкротлик, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунчиликни бузадиган хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида тақдимномалар бериш, шунингдек берилган тақдимномалар ижросини назорат қилиш;

нопоқ рақобатчилар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахслари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслари томонидан монополияга қарши ишларни тартибга солиш, банкротлик, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунчилик бузилган ҳолларда уларга қарши судларда даъво қўзғатиш; монополист корхоналарга, иқтисодий ноқорлик аломатлари мавжуд бўлган ёки банкротга учраш ҳолатига келиб қолган корхоналарга уларни кичиклаштириш ва таркибий җихатдан ўзгартириш зарурлиги тўғрисида тақдимномалар бериш, шунингдек суднинг қарорига биноан шундай тақдимномаларнинг қонунчилигида белгиланган тартибда мажбурий бажарилишини амалга ошириш;

ҳўжалик юритувчи

субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда жарималар солиш;

истеъмолчилик ҳуқуқлари камситилгани тўғрисида истеъмолчиларнинг ариза ва шикоятлари юзасидан, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан келишилган ҳолда, ана шу ҳуқуқларни бузган корхона ва ташкилотларни текшириш (уларнинг молия-ҳўжалик фаолияти бундан мустасно).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин, унда мазуr қўмита томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият эркинлиги камситилиши ва чекланишига йўл қўйилмаслиги назарда тутилган ҳолда унинг ҳуқуқ ва ваколатлари аниқ белгиланган бўлиши кўзда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ўзи тақдим этдиган даъволар юзасидан кўриб чиқиш учун ҳўжалик судларига киритиладиган ишлар бўйича бож тўлашдан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000

йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-2676-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги ПФ-1658-сон Фармонининг 3-9-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига, хусусан, рақобат тўғрисидаги ҳамда товар бозорларидаги монополистик фаолиятни чеклаш, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларга ўзгаришлар киритиладиган бўлиши ҳақидаги қўшимчалар ҳақида тақлифлар киритсин.

8. Вазиrлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
Тошкент шаҳри,
2005 йил 2 май

И. КАРИМОВ



Касби туманида сўнгги йилларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунда ширкат ҳўжаликларни, фермерлар ва хусусий тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўляпти. Жумладан, туман марказий шифохонасида

И. ҲАСАНОВ
олган суратлар

Кўчмас мулк биржаларида

Республика Кўчмас мулк биржасининг Наманган вилоят бўлими томонидан ўтган 2004 йил давомида 197 та савдо ташкил этилди. Уларда 1497 та мулк 2 миллиард 962 миллион 689 минг 900 сўмга сотилди. Объектларнинг 477 тасини давлат, қолган 1020 тасини нодавлат мулкларни ташкил этиди.

– Муштараклик туғайли хар кимнинг иқтидорини, интилиши ва салоҳиятига яраша яшаши учун кенг йўл очилди, – дейди бўлим бошлиғи Рустамжон Абдурахмонов. – Мулкдорлар синфи манфаатлари қонун билан белгиланган бўлиши биргина ўтган йилнинг ўзида 52 та автотранспорт

та қурилиши тугалланмаган объектлар савдога қўйилди. Бўлимда Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни бўйича мулкларни сотиш юзасидан мунтазам равишда аукцион савдолари ўтказилди. Аниқроқ қилиб айтганда, ўтган йил давомида 6 та банкротга учраган корхона мулки биржа савдоларида қўйилиб, мулкдорлар томонидан 1 миллиард 3 миллион 863 минг сўмга баҳоланди. Бундан ташқари, марказлаштирилган электрон биржа савдоларида 1024 та мулк тадбиркорлар қўлига топширилди.

С. АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

ҲАР КИШИ МУЛҚДОР БЎЛИШГА ҲАҚЛИ

воситаси, 47 та ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолар, 27 та ижтимоий инфратузилма, 723 та чорва-чилик ва деҳқончилик, 24

ҳам бир мунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, тугатиладиган корхоналар, объектлар, автотранспорт, асбоб-ускуналар ва бошқа

САДАҒАНГ КЕТАЙ, ЯХШИЛАР!

Инсон кўнгли гулдек нозик. Айниқса, қисматида ногиронлик аталимиш битик битилган бўлса, бундай кишилар қалбига бир оғиз ширин сўз, жиндек эътибор олам-олам заъбагишлайди, эртанги ҳаётга нисбатан катта умид, йўналишдаги барча саъй-ҳаракатлар болаларни соғломлаштиришга қаратилган. Улар йилига икки марта тиббий курсларда, қолгандек тиббий курсларда, бир марта флюорография текширувидан ўтказилади. Лозим қўрилганда тезкор даволаш ишлари олиб борилади. Тиббий ишлар бўйича директор ўринбосари Нилуфар Хайруллаеванинг айтишича, ногирон болаларни соғломлаштиришда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда яқинда махсус спорт-соғломлаштириш хонаси очилиб, турли спорт жихозлари ва махсус мосламалар билан таъминланди. Бундан ташқари, мурувват уйдаги физиотерапия хонасида УВЧ, электрофарез, инголяция, кварц ҳамда импульсия ўлчаш тиббий аппаратлари ишлаб турибди.

мияти жамоаси доимий равишда меҳр-саховат ёрдамини кўрсатиб келмоқда. Мурувват уйи тарбияланувчиларининг саломатлиги доимий эътиборда. Бунинг учун тўрт нафар малякали шифокор жонбозлар ишга қўрилди. Тиббий ишлар бўйича директор ўринбосари Нилуфар Хайруллаеванинг айтишича, ногирон болаларни соғломлаштиришда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда яқинда махсус спорт-соғломлаштириш хонаси очилиб, турли спорт жихозлари ва махсус мосламалар билан таъминланди. Бундан ташқари, мурувват уйдаги физиотерапия хонасида УВЧ, электрофарез, инголяция, кварц ҳамда импульсия ўлчаш тиббий аппаратлари ишлаб турибди.

Н. АЛМУРОДОВ
олган сурат

Ф. ҚУВОНОВА



Бойкул Максимкулов Сурхондарё вилояти Кизирик туманидаги деҳқон бозорининг ветеринария санитария экспертиза лабораторияси мудири бўлиб ишлайди. Сифат-бош масала. Шу боис бу ерда талабга жавоб бермайдиган қишлоқ ҳўжалик ҳамда гўшт ва сўт маҳсулотлари сотилишига йўл қўйилмайди.

Суратда: Бойкул Максимкулов ва лаборант Розия Ҳўшбоқова махсусот сифатини текширишмоқда.

ТАЛАБГА МОС ТАКЛИФ

Янги иш ўринларини яратиш, аҳолини, айниқса хотин-қизларни иш билан таъминлаш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Эллиққалъа тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бу масалага жиддий эътибор қаратмоқда: йил бошидан буён 760 киши иш билан таъминланди, уларнинг 461 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Туман аҳолисининг деярли эллиқ фоизи «Сараб», «Тозабоб», «Қиличчи» ва «Дўстлик» овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларида истикомат қилади. Аҳоли зич joyлашган бу ҳудудларда ишсизликка барҳам беришнинг муҳим омилли – фермерлик

ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Туман хотин-қизлар қўмитаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда ана шу ҳудудларда мунтазам равишда меҳнат ярмаркалари ўтказиб келяпти.

Навбатдаги ярмаркада иштирок этган 23 корхона ва ташкилот 121 та иш ўрни таклиф этди. Шу кунги етмишга яқин киши касби ва малакасига қараб ўзи танлаган ишга қабул қилинди. Қишлоқда қасаначиликни ривожлантираётган Интизор Ҳўжанияёзова ҳамда Феруза Абдуллаева унга яқин хотин-қизни ўз сафига қўшиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
Тошкент шаҳри,
2005 йил 2 май

И. КАРИМОВ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фермерликни хар томонлама ривожлантириш мақсадида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Паст рентабелли ширкатлар ўрнига фермер ҳўжаликларни ташкил қилини, ер ўзининг ҳақиқий эгаларига топширилимоқда. Фермер ҳўжаликларни бошланғич фаолиятини йўлга қўйиш, ривожлантиришлари учун хар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2005-2007 йилларда фермер ҳўжаликларини ривожлантиришга қаратилган тақлифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш ҳақидаги фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар изчил амалга оширилмоқдаки, бу соҳага ҳукумат даражасидаги юксак эътибор ифода қилинади.

Аммо, минг афсуски, бундай кенг имкониятдан тўғри ва оқилона фойдаланмаётган, аксинча уни сунистеъмол қилаётган «фермерлар» ҳам учраб турибди. Улар қимматли неъмат ҳисобланган ер умрини бекор ўтказишмоқда. Энг ачинарлиси, соҳага доир қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни четлаб ўтмоқчи бўлаётган бундай сохта фермерлар қинғир ишининг оқибатини негадир «унутиб» қўйишмоқда. Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги «Нурхон» фермер ҳўжалиги фаолияти ҳам ушбу фикримиз исботидир.

Орифжон Мирзаев раҳбарлик қилган «Нурхон» фермер ҳўжалиги чорвачиликка ихтисослаштирилган эди. Дастлаб унинг ўрнида «Мирзаев Орифжон» деҳқон (фермер) ҳўжалиги фаолият юритган. Кейинчалик Пахтаобод туман ҳокимининг 1998 йилнинг 30 октябрдаги қарорига асосан ушбу деҳқон ҳўжалигининг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари сақланган ҳолда бу ерда «Нурхон» фермер ҳўжалиги иш бошланди. Фермерга 6 гектар ер ажратиб берилиб, туман ҳўжаликлар бўрдоқчилик корхонаси билан шартнома тузилди. Лекин фермер шартнома шартларини бажармади.

ФЕРМЕРЛИК НИҚОБИ ОСТИДА

Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик. Фермер ҳўжалиги фаолиятини вилоят ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқиш жараёнида Орифжон Мирзаев 24 бош қорамол борлигини, уларни қўшни Қирғизистон Республикасида яшовчи қариндошларига боқиш учун бериб юборганлигини таъкидлаган. Бироқ, ундан ўшбу кўрсатмани тасдиқловчи бошқона ҳужжатлари сўралганида, ҳеч қандай ҳужжат тақдим қила олмаган. Шунга кўра суд томонидан О.Мирзаевнинг фермер ҳўжалиги ҳисобига 24 бош қорамол борлиги ҳақидаги маълумоти асосиз деб топилди. Боз устига, фермер ҳўжалигига тегишли ерларни кўздан кечириш лозимлиги билдирилганида, ҳўжаликка бириктирилган ердан мақсадли равишда фойдаланилмаганлиги ҳам маълум бўлди. Аниқроғи, «уддабурон фермер» озуқабоп экин етиштириш ўрнига шолчи экин маълук топган. Кўриниб турибдики, О.Мирзаев фермерлик ниқоби остида мўмай даромад олишни, тезда бойишни кўзлаган. Бундан ташқари,

фермер ҳўжалиги 2004 йил 23 сентябр давригача ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўламадан келган. Унинг боқимандадан бўлган қарзи 309 минг 673 сўмни ташкил этган.

Ваҳоланки, «Нурхон» фермер ҳўжалиги билан туман ҳўжаликлар бўрдоқчилик корхонаси ўртасида тузилган ижарага бериш ҳақидаги 11-сонли шартно-

ноят ишлари бўйича Жалақудук ҳамда Избоскан туман судлари томонидан фермер ҳўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун тегишли жазосини олган эди. Афсуски, у ўз вақтида бундан тўғри хулоса чиқармади. Вақти келиб қонун олдида жавоб бериши эсига келмади. Фақатгина суд аралашувидан сўнг фаолияти мобайнида ўзига берилган имкониятдан тўғри фойдаланмаганини англаб етди. Бу пайтда эса аллақачон гишт қолипдан кўчиб бўлган эди.

Билиб-билмай хатога йўл қўйиш бир мартаба бўлади. Қайта-қайта адашиш ёки билла туриб ўзини билмаганга йўйиб

Қонун барчага баробар

қонунга зид иш тутиш эса... Бинобарин, қонунларимиз хар доим устувор бўлиб келган. Унга белгиланган билан қарайдиганларга муросасиз бўлиш давр талабидир. Асалнинг ҳам оли яхши деганларидек, кечиримчиликнинг ҳам ўз чегараси, меъёри бор.

Фермер - эртанги куннинг истиқболли вақили. Иқтисодиётимиз мустаҳкамлиги, демократия, турмушимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги кўп жиҳатдан фермерликни ривожлантиришга, тараққий эттиришга боғлиқ. Негаки, ерни боққани ер боққиди. Аксинча, иш кўзини билмайдиган ёхуд ҳалол меҳнатдан қочиб амалдаги қонунларга зид равишда фаолият кўрсатган сохта ер эгаларининг юз эл арушувит бўлиши турган гап.

Р. САЙДАҲМЕДОВА,
О. КАМОЛОВ,
«Ишонч» мухбирлари

ДЕБИТОР ҚАРЗ — КОНИ ЗАРАР

Дебиторлик қарз тараққийта тўганок. Афсуски, баъзи раҳбарлар ўзларининг бефарқликлари билан бундай қарздорликни кўпайтириб юборишмоқда. Оқибатда уни ундириш учун судлар аралашшишга тўғри келади.

Кўшқўпир туман суд ижроси бўлинишига вилоят ҳўжалик судидан жами 837 миллион 159 минг 100

тартибда ундирилиш чораларини кўришга мажбур бўлади. Бу ҳолда барча ҳаракатлар, шунингдек, қарздорлик суммасини 5 кунлик ихтиёрий муддатга тўламаганлиги учун «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 82-моддасига кўра, фуқаролардан энг кам иш ҳақи миқдорининг бир баробарида 10 баробаригача миқдорда жарима қўлланилади. Бундай ҳол рўй берганда эса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилгандек, «Агарда ҳодима томонидан корхонага моддий зарар етказилса, ўша зарар ундан корхона фойдасига ундирилади».

1995 йилда «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида» ҳамда «Даромад солиғи тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинган эди. Бугунги кунда ана шу ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан жойларда самарали ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, Кўшқўпир туман Давлат солиқ инспек-

цияси томонидан жорий йилнинг январь-феврал ва март ойларида истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтган дебиторлик қарзларини ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари келиб тушди ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан ундирилди. Бундан ташқари, Кўшқўпир туман «Шик» қишлоғида жойлашган «Оҳунбобоев» деҳқон-фермер ҳўжаликлар уюшмасидан 77 минг 900 сўм қарз унинг раҳбари У.Аллаберганов томонидан туман суд ижрозилари бўлимининг депозит ҳисоб рақамига нақд тўланди. Шу қишлоқдаги «Анвар» фермер ҳўжалиги вилоят ҳўжалик судининг 2004 йилдаги қарорига асосан тугатилган бўлса ҳам 195,6 минг сўм қарз эвазига унинг собиқ раҳбари Ш.Аннаҳасановнинг шахсий мулки рўйхатга олинди ва Шовот туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди томонидан кўриб чиқиш учун ўтказилди.

Шу кунга қадар туман Давлат инспекцияси томонидан 22 та ижро ҳужжатлари бўйича маблағ ундирилди.

К. МАТТИЕВ,
Кўшқўпир туман суд ижрозилари бўлими катта суд ижроси

АЪЛОЧИ ҲУҚУВЧИЛАРГА — СТИПЕНДИЯ

Ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим олишлари таъминлашда оталик ташкилотларнинг ўрни бекиёс. 920 нафар ҳуқуқи таълим олаётган 5-мактаб нафақат Нишон туманида, балки вилоятда ҳам пешқадам илм маска таридан ҳисобланади.

Яқинда бу ерга ташир буюрган туман ҳокими Ориф Тўхтамишев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Бован Усмонов ҳамда вилоят кенгаши депутати Зиёқул Зиёдуллаевлар мактабнинг моддий базаси, ҳуқуқчиларнинг билим ва маҳоратлари билан қизиқдилар. Аълочи ва жамоатчи ҳуқуқчиларнинг ҳар бирига стипендиялар жорий қилиниб, шу ернинг ўзида танта-нали равишда топширилди. Бундай бахтга сазовор бўлганлар орасида Илхом Абдураимов, Гулшода Турпова, Саодат Араловалар бор.

Рағбат ёшларни яна ҳам билимли, идрокли ва ҳар томонлама камол топишларига хизмат қилади, — дейди мактаб директори Насиба Уткирова.

Ш.СУЛТОНОВ,
«Ишонч» муҳбири



Хабарлар оқимидан ҚўЛЛАНМАНИНГ ЯНГИ НАШРИ

Мамлакатимиз умумтаълим мактабларига ўқитилаётган «Ишонч хавфсизлиги асослари» курсини мақсадга мувофиқ тарзда уюштириш жараёнида республика фақуллода вазиятлар вазирлиги мутахассислари фаол иштирок этишмоқда. Вазирликнинг фуқаро муҳофазаси институти томонидан олиб бораётган таълимий тадбирлари ҳам ўз икбий натижасини бермоқда.

Мазкур институт Ўзбекистон ҳалқ таълими вазирлиги кўмагида курс машғулотлари бўйича ўқув адабиётларини чоп эттиришга киришди. «Давт хавфсизлиги асослари» деб номланган ўқув қўлланмасининг яратилиши нур устига аъло нур бўлди.

Мазкур адабиёт бундан уч йил аввал кирилл ёзувида нашр этилган эди. Яқинда унинг лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбосидаги наشري юзага келди. Бу эса дарсликдан мактабларда кенг фойдаланиш имконини берди.

КУТУБХОНАЛАРИНГ РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ

Мамлакатимизда умумтаълим мактаблари ва педагогик муассасалар кутубхоналарини ривожлантириш миллий йўриқномаси доирасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. «ХХI аср кутубхоналари қандай бўлиши керак?» деган дас-тур бўйича жойларда ўнга яқин ресурс марказлар ташкил этилди.

Жамоатчилик, улқашунослик, маданиятшунослик, экология каби йўналишларда ўз фаолиятларини бошлаган бу марказлар учун республика илмий-педагогика кутубхонаси ёрдамида истиқбол режаларини белгилаб олишди.

Эндиликда кутубхоначилар каби китобхонларнинг компьютер саводхонлигини ошириш билан боғлиқ таълим устида иш олдига қўйилмоқда. Айни вақтда кенг қўлланил электрон каталоглар тайёрлашга киришилди. Бу каби тадбирлар кутубхоналарда ахборот тизимини кенг йўлга қўйиш имконини беради.

ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЗИҚИШ

Ўзбекистон жаҳон икти-содиёти ва дипломатия уни-верситетининг «Ўзбек тили» кафедраси ҳузурида тил ўрганишга келган ҳорижий мутахассислар учун курс фаолият қўрсатмоқда. Ҳозир бу ерда Европа мамлакатлари-дан ташриф буюрган бир неча толиби илм шугуллан-моқда.

Инглиз архитектори Жексон Келлог ҳам курс машғулотларида фаол қатнаш-моқда. Сайёҳ сифатида рес-публикамизга келган бу му-тахассис қирғиз ва қозоқ тилларини яхши ўрганиб олган. Эндиликда у кафед-ра ўқитувчилари кўмагида ўзбек тилини пухта ўзлаш-тиришга киришди. Она тилини бошқа фанлар билан боғлаб ўрганишда «Илгор педагогик технология» деган мавзуда уюштирилган республика анжуманида ин-глиз меъмор ҳам сўзга чи-қиб, ўз маърузасини ўзбек тилида баён этди.

А.АЛИЕВ

Инсон боши тошдан қаттиқ. Кўргиликларга одам зотиғина чидайди. Дарду аламларни ичига ютиб, қис-матга қасдма-қасд туриб бера оладиган ҳам инсон. Ички дунёнинг ўзи бир сирли сандик. Лабидан та-бассум, чеҳрасидан мамнунлик аримайдиган бу аёл-нинг ичиде нималар борлигини биз ҳам билмасдик. Қанча ситам, тақдир синовларига мардона туриб бер-ган мўътабар зотнинг бейхўш тухфадан қалби минг-пора бўлганини кейин эшитдик. Лоқайлик, бепар-волик кўнгли кўзгусини чил-чил қилганини кўзда ёш билан сўзлаб берди. Аслида мирзаободлик Бувайша Абдуразоқова ярасини янгиланган не ҳолат бўлди?

Бувайша опа тақдир-дан сира нолимади. Раҳ-матлик умр йўлдоши ис-теъдодли қаламкаш эди. Аммо ширин ҳаёт, бахти-ёр кунлар узоқ давом эт-мади. Шум тақдир узукка кўз қўйгандек ярашиқли оилани тўзғитиб юборди. Ёш, навқирон турмуш йўлдошини барвақт йўқотган аёл эс-хушидан айрилди. Кўп йиллар тиқ этса эшикка қараб, кўзи тўрт бўлиб, келиб қола-дигандек йўлга қаради. Аммо ўлим ҳақ. Одам кўникади. Бутун умидини уч фарзандига боғлади. Аммо негадир қисмат бу борада ҳам ундан юз ўғирди. Не кўргиликки, болаларнинг икки нафари ногирон бўлиб улғайиш-ди. Лекин иродали аёл қадди бўқилмади, ҳаёти-дан нолимади. Норасида-ларни оқ ювиб, оқ тара-ди. Бутун ҳаётини шулар-

Астағфируллоҳ!
май улғайишди. — Ҳали бирор мартаба ҳеч қимдан қўмақ олман-ман, — дейди Бувайша опа. — Туманда қанча хайрия тадбирлари ўтказилса ҳам ҳеч қим тақдир этмаган. Рост, бундан ҳеч маҳал кўнглимга олманман,

Ҳомийларнинг кўп болали аёлга совғаси: ЧЕТИ УЧГАН ЧОЙНАК — ПИЁЛАЮ СИНИҚ ВАЗА

га бағишлади. Бировдан кам қилмай улғайтирди. Бу орада укаларидан бири-нинг аёли вафот этиб уч нафар норасида гўдаги чи-қираб қолди. Бувайша Аб-дуразоқова ана шу сағир-лар бошини силас, она-лик қилишни ўз гарданига олди. Беш болани еди-рилди, кийинтиришни ўзи бўлмайди. Кўп ишлаш, уларни рисоладагидек пар-варишларни уқдасидан, чикди. Атак-чекча болалар оёққа турди. Фидойи аёл бағрида ҳам нелигини бил-

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

умидвор бўлганим ҳам йўқ. Тўғриси, бу йил Наврўз ара-фасида эслаб қолишгани-дан кўнглим тоғдек кўта-рилди. Лекин аёлларга атаб ташкил этилган чойга рўзгордан чиқиб боролма-ди. Менга ажратилган ҳомийлик кўмагидан суюн-ганим ҳам рост. Раҳбарлар-ни алқаб совға-саломни кўлга олдим тош қотдим. Халтачада чеккалари учган, кир-чир чойнак-пиёла, битта синиқ ваза бор экан. Дарз кетган вазани скоч билан елимлаб, синиқлари

илму ижод учун муносиб жой эди. Шунинг учун ҳам бу даврда илму адабиёт, санъат аҳли Шероздан панох топ-ган. Ҳофиз Шерозийнинг ҳам Шерозга бориб қолиши са-баби шунда бўлса керак. Шоирнинг: **Гулистон юзлик, эй соқий, санинг ишқинг манга жондур, Ичлим боданим, даври Иброҳим Султондур,** — мисралари, бир томондан, шоирнинг Шерозда яшаган-лигини тасдиқласа, иккинчи томондан, ҳаётининг сўнгги йиллари Иброҳим Султон даврда кечганлигини кўрсатади. Иброҳим Султон — Амир Теурунинг набираси, Шохрух-нинг кичик ўғли бўлиб, 1414 йили Шероз тахтига ўтирган. Бу ерда 21 йил ҳукмронлик қилиб, 1435 йили вафот эт-ган. Ҳофиз Хоразмийнинг унинг вафотида бағишлаб мах-сус марсия аёзганидан шоирнинг бу даврда ҳали ҳаёт бўлганлиги аёнлашади. Унинг яна қанча умр кўргани, қачон вафот этгани ва қаерда дафн этилгани ҳозирча но-маълум. Лекин мазкур марсия Ҳофиз Хоразмийнинг Ибро-ҳим Султон билан анча яқин эканлиги, эҳтимолки, унинг сарой шоири бўлганлигини кўрсатади.

Ҳофиз Хоразмий девони Алишер Навоийгача ўтган шо-ирлар ичиде бизгача етиб келган мукамал девон эканли-

ЯНА БИР ҲОФИЗ

Шарқ мумтоз шеърятда машҳур бўлган талмиҳ санъати-ни Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳам кўп учратамиз. Бу борада у ўз фикрларини тасдиқлаш учун асосан машҳур диний қисса-лар, ошк-маъшуқлар ҳақидаги афсоналарга мурожаат қи-лади. Айтайлик, ўзини Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби ошк-маъшуқларга ўхшатиш, айна пайта, улардан ус-тун қўйиб тасвирлаш — мумтоз шеърятда бир анъана тусини олган. Бу анъанини Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳам кўрамыз: **Ҳаёли зулфидан кўрсанг шўру жунунини, Унут бўлбай хикоятни била Махжун ҳам Лайло.** Ҳофиз Хоразмий Қуръон оятлари, диний мавзулар, пай-гамбар ҳадисларидан ҳам ўз поэтик мақсадини амалга ошириш учун маҳорат билан фойдаланади. Чунончи, са-ҳобалардан қора танил Билолнинг диқ йўлидаги хизмат-ларини улуғлаб, Оллоҳ олдидаги юкс нуфузини тас-диқлаш мақсадида Мухаммад алайҳиссалом: «Қиёматда Билолнинг ранги жаннат ҳурлига хол қилиб берила-ди», — деб лўф этганлари маълум. Қўйдаги байтида шоир шунга ишора қилади: **Юзи узра холмудур, жаннат ичра ё Билол, Ё гулистони Эранин сақлаган бир зог бор.** Мухаммад алайҳиссалом ўлимларидан олдин муррақъа (кийим)ларини Яман саҳросидаги оддий чўпон Увайс Қар-назийга васият қилганлар. Чунки пайгамбаримиз кўнгли қўй билан ундан «Оллоҳ ошмгининг иси» келишини, қал-биде илоҳий иш доғи борлигини кўрганлар. Шоир бун-дан фойдаланиб, оддий саҳройи бир чўпонга Оллоҳ пай-гамбарининг меҳри тушгани каби мендай бир бечора-нинг кўнглида ҳам сендай хусн шохининг ишқи доғи бўлса, не ажаб, дейди: **Кўнглимда бўлса доғи нишонинг, гариб эмас, Чун Муस्ताфо нишони Увайси Қаранда бор.** Шундай қилиб, Ҳофиз Хоразмий Алишер Навоийгача бўлган ўзбек адабиётининг забардаст намояндаларидан ҳисобланади. Шоир ижодини тадқиқ этиш, таржimai ҳолига оид маълумотларни топиш Ватан адабиётини бой-итишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Э.ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоиди

Олис гўшаларда

Кизилработ овули туман марказидан 200 қақирим олис масофада, қўшни Туркманистон ҳудудларига ту-ташиб кетган чўл сарҳадларида жойлашган. Чекка кишлоқларга бориб келиш осон эмас, албатта. Олий тоифали акушер-гинеколог Насиба Милтик-боева раҳбарлик қилаётган мўъжаз кишлоқ шифохо-наси аҳоли хизматида. Ёруғ, кенг ва шинам бинода беморлар даволаниши учун ҳамма қулайликлар мав-жуд. Хаста кишиларнинг муроди шу ернинг ўзида ҳосил бўлади. Наҳот излаб вилоят ва туман шифохо-наларига бориб юришмайди.

— Кишлоғимиздаги 1500 дан ортиқ аҳолининг 500 нафари туғиш ёшидаги аёл-лардир, — дейди касалхона бош ҳақими биз билан суҳ-батда. — Оилалар турмуш маданияти юксалиб, юқум-ли касалликлар камайиб борапти.

Яқинда туман марказий касалхонаси бош врач-и ўринбосари Файзи Панаев бошчилигидаги шифокор-лар гуруҳи кишлоққа кел-ди. Юрак-қон томир касал-ликлари мутахассиси Улмас Назаров, педиатр Файрат Шероф, акушер-гинеколог Шариф Ақромов, асаб ка-салликлари доктори Қарим Шодиев ва яна бир гуруҳ тажрибали ҳамширалар, аввало хонадонларнинг са-нитария ҳолатини, кейин одамларнинг соғлигини тек-ширишдан ўтказдилар. Кас-сал деб топилган ўнга яқин бемор шифохонага ётқизи-либ, тегишли муолажалар қилинди.

Бухоро вилоят Ромитан туманида ҳам катта ўзга-ришлар бор. 24 та фельд-шер-акушерлик ва 8 та киш-лук ҳақимлик амбулатори-ялари кискартрилиб, 25 та врачлик масканлари ташкил этилди. Лойиҳа асосида 8 та кишлоқ врачлик пункти янгидан қурилди, 19 таси «Саломатлик-2» дастурига киритилиб, Жаҳон банки ёрдамида таъмирланиб, жи-ҳозланапти.

Тарновут кишлоғида 80 миллион сўм маблағ сарф-ланиб, 75 қатновга мўлжал-ланган врачлик маскани қад кўтарди. Умумий ам-лаёт шифокори Дилбар Мирзаева мудирилик қилаёт-ган шифоҳатхонада 4 ўрин-ли қўнғузги бўлим, аёллар касалликларини даволаш, физиотерапия муолажалари

ЧўЛ ҚўЙНИДАГИ ШИФОХОНА

хоналари, тиш ва болалар доктори ишлаб турибди. Бе-морнинг қон ва бошқа таҳ-лиллари шу ернинг ўзида амалга оширилади.

Ўтабек, Урганжий, Боги-сайдон, Атторон, Пойжўй, Қоқиштинов, Ҳазорбоғ киш-лоқларида 50 қатновли врач-лик пунктлари фойдаланиш-га топширилган бўлса, ҳозир Боғча ва Газбирон аҳоли мас-канларида ҳам бундай шифо-атхоналар қуриляпти.

Халқ сихат-саломатлигини муҳофазалашдан ҳомийлар ҳам четда қолишмапти. Бу-хородан 100 километр узоқ-ликда жойлашган Газли ша-ҳарчасида 11 миллирдан сўм маблағ сарфланиб, 50 ўрин-ли касалхона, 75 қатновга мўлжалланган поликлиника ишга туширилди ва замона-вий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Туманда 32 минг нафар зурриёб ёшидаги аёллар, 34611 та 14 ёшгача бўлган болалар, 7759 нафар ўсмирлар бор. Хизмат кўрсатиш ҳудуди 280 кило-метрдан ошди. Одамлар соғ-лиғи йўлида фидойилар кўрсатаётган 246 нафар врачнинг 33 тасини олий, 133 тасини биринчи тоифа-ли, 1345 та ҳамширанинг 223 тасини олий тоифали тиббий ходимлар ташкил этади.

Гулнора Баракатова бош-чилик қилаётган 120 ўрин-ли туғруқ мажмуасида аёл-ларни даволаш муолажа-ридан ташқари «Ёш оналар»

мактаби фаолият кўрсата-ётганлиги, хотин-қизларга «Болага дўстона муно-сабат», «Бехатар оналик», «Она сутининг мўъжиза-си», «Чақалоқлар парва-риши» мавзусида машғу-лотлар ўтказилаётганлиги катта фойда келтиряпти. Қўшқаватли «Репродук-тив саломатлик маркази»-

дан ўсмирлар, никоҳ ёши-даги йигит-қизлар керак-ли маслаҳатларни олиша-ди. Илк бор турмуш кур-ган мингдан ортиқ ёшлар тиббий кўрикдан ўтказил-ди. Марказ раҳбари аку-шер-гинеколог Назира Бозорова ва терапевт врач Олима Сирожева қабулга келувчиларнинг соғлигини синчиқлаб текширувдан ўтказишга одатланишган.

Амалиётда даволаниш-нинг самарали усуллари-дан фойдаланиляпти. Қамшираллик ишини қойил қилиб урдалаётган Раъно Муродова, Марзия Шуку-рова, Комила Асадова, Но-дир Ҳафизова, Марзия Муродоваларнинг қўли эн-гил, сўзи ширин, гамхўр мутахассис сифатида били-шади.

— Хар бир кишининг соғ-лиғи аввало унинг ўзига боғлиқ, — дейди туман мар-казий шифохонаси бош ҳақими Баҳроулла Нарзиев. — Одамлар ўз сихат-сало-матликларининг қадрига етиб, тиббий билимлари ва турмуш маданиятларини оширсаларгина муваффақ-иятга эришиш мумкин.

Ромитаннинг олис киш-лоқларида бўлиб, фуқаро-лар билан суҳбатлашган-гиз, тиббий ходимлари хизматида мамнун экан-ликлари ҳақидаги миннат-дорчилик сўзларини эши-тасиз.

ЁЛҚИН

Эшитганимиз, ўқиганимиз?

асир қилишини шоир мана бундай образли тилда ифо-далайди: **Тутди кўнгул вилоятини нозу гамзадин, Оре, тутар жаҳонни шаҳаншоҳ сипоҳ ила.**

Подшоҳ жаҳонни қўшнинг билан истило қилгани-дек, маъшуқа нозу гамзаси билан кўнгул вилоятини забт этди.

Қўйдаги байтда ишқ дардини — тоққа, ўзини — сомон-га ўхшатади: тоғни сомон билан қўриб бўлмаганидек, мен каби заиф кишининг ишқдай улғур дарди чекимиш имконсиз:

Бўлдум заиф, ох, анинг дарди бирла мен, Чун кўхни киши чека олмайди қоҳ ила.

Аслида ошқини сомон даражасида заифлаштириб қўйган маъшуқанинг ишқи. Ошқининг ишқ дардида ўртана-ўртана ориқлаб кетиши — сомон, хас, барг, чўп, хатто қил даражаси-га келиши тасавуфда асосий шарт. Фақат шундангина илоҳий ишқ чакмоғи чақилиши билан у лов этиб ёнади-ю, маъшуқи азалга қўшилиб-сингиб кетади. Шунинг учун ҳам сўфиёна шеърятда сомон, хас, чўп, барг, қил тимсолларига кўп дуч келамиз.

Шарқ мумтоз шеърятда машҳур бўлган талмиҳ санъати-ни Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳам кўп учратамиз. Бу борада у ўз фикрларини тасдиқлаш учун асосан машҳур диний қисса-лар, ошк-маъшуқлар ҳақидаги афсоналарга мурожаат қи-лади. Айтайлик, ўзини Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби ошк-маъшуқларга ўхшатиш, айна пайта, улардан ус-тун қўйиб тасвирлаш — мумтоз шеърятда бир анъана тусини олган. Бу анъанини Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳам кўрамыз: **Ҳаёли зулфидан кўрсанг шўру жунунини, Унут бўлбай хикоятни била Махжун ҳам Лайло.**

Ҳофиз Хоразмий Қуръон оятлари, диний мавзулар, пай-гамбар ҳадисларидан ҳам ўз поэтик мақсадини амалга ошириш учун маҳорат билан фойдаланади. Чунончи, са-ҳобалардан қора танил Билолнинг диқ йўлидаги хизмат-ларини улуғлаб, Оллоҳ олдидаги юкс нуфузини тас-диқлаш мақсадида Мухаммад алайҳиссалом: «Қиёматда Билолнинг ранги жаннат ҳурлига хол қилиб берила-ди», — деб лўф этганлари маълум. Қўйдаги байтида шоир шунга ишора қилади: **Юзи узра холмудур, жаннат ичра ё Билол, Ё гулистони Эранин сақлаган бир зог бор.**

Мухаммад алайҳиссалом ўлимларидан олдин муррақъа (кийим)ларини Яман саҳросидаги оддий чўпон Увайс Қар-назийга васият қилганлар. Чунки пайгамбаримиз кўнгли қўй билан ундан «Оллоҳ ошмгининг иси» келишини, қал-биде илоҳий иш доғи борлигини кўрганлар. Шоир бун-дан фойдаланиб, оддий саҳройи бир чўпонга Оллоҳ пай-гамбарининг меҳри тушгани каби мендай бир бечора-нинг кўнглида ҳам сендай хусн шохининг ишқи доғи бўлса, не ажаб, дейди: **Кўнглимда бўлса доғи нишонинг, гариб эмас, Чун Муस्ताфо нишони Увайси Қаранда бор.**

Шундай қилиб, Ҳофиз Хоразмий Алишер Навоийгача бўлган ўзбек адабиётининг забардаст намояндаларидан ҳисобланади. Шоир ижодини тадқиқ этиш, таржimai ҳолига оид маълумотларни топиш Ватан адабиётини бой-итишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Э.ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоиди

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Республикамиздаги аҳолини энг зич жойлаш-ган вилоят Андижондир. Бу вилоятда 2 миллион-дан кўпроқ аҳоли истиқо-мат қилади. Ваҳоланки, Андижон мамлакат худу-дининг бир фоиздан ҳам камроғини эгаллаган. Вилоятда бир квадрат кило-метр жойга ўрта ҳисобда 512 киши тўри келади.

Ўзбекистондаги аъло эмас, балки бутун Марка-зий Осиёдаги энг баланд иншоот қайси эканлигини биласизми? Бу Тошкент теле м и н о р а с и д и р. Баланглиги 375 метр. Кўриб турганингиздек, у Парижадаги машҳур Эй-фель минорасидан 75 метр баланд.

Мамлакатимиз худуди-да илк маҳаллий тангалар миллоддан олдинги I ва миллодий I асрлар орали-ғида қадимги Хоразмда зарб қилина бошлаган.

Маълумотларга қўра, энг катта ошқоворқи аме-риқалик фермер Жозель Холанд етиштирган. Ишо-насиэмий-ўйқуми, унинг ошқовоғи ярим тоннадан зиёд, анкироғи нақд 558 килограммга тенг бўлган. Фермер антика ошқово-ғини 6145 долларга сот-ган.

Дунёда шохмочилар орасида энг узоқ умр кўрган Жейн Кэрью ҳисобланади. У 1779 йил-да туғилиб, 1901 йили оламдан ўтган. Демак, Кэрью ўз асрини кўрган. Бу спортчилар орасида ўзи-га хос рекорд натижа ҳисобланади.

Тошкент шаҳар кичик бизнес, малтубот коопе-рацияси савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар қасаба уюшма Кенгаши Юнусовод тумани умумий оқватланиш корхоналари-нинг собиқ раҳбари

ҲАМИД КАРИМОВнинг вафот этганини муно-сабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.